

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТДА СУҒУРТА КОМПАНИЯЛАРИ  
РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ЯШИЛ СУҒУРТА  
ХИЗМАТЛАРИНИНГ ЎРНИ

**Мухаммадаминов Хожиакбар Темурбек ўғли**

*Тошкент Кимё халқаро университети*

*Халқаро иқтисодий муносабатлар йўналиши*

*4-курс талабаси (IER\_N-22UA)*

**Турғунмирзаев Азмиддин Шамситдин ўғли**

*Тошкент Кимё халқаро университети*

*Иқтисодиёт кафедраси*

*Катта ўқитувчи*

[Azmid\\_shams@mail.ru](mailto:Azmid_shams@mail.ru)

**Аннотация:** Мақолада рақамли трансформация жараёнларининг суғурта бозорига таъсири ва рақобатбардошликни таъминлашда яшил суғуртанинг ўрни таҳлил қилинган. Яшил суғурта хизматлари экологик хавфларни бошқариши, барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлаш ва суғурта компаниялари учун янги рақобат афзалликларини шакллантиришида муҳим аҳамият касб этади. Халқаро тажрибалар мисолида рақамли технологиялар (Big Data, AI, Blockchain, InsurTech) ҳамда ESG стандартлари уйғунлиги очиб берилган. Шунингдек, Ўзбекистон суғурта бозорига яшил суғуртани ривожлантириши йўналишлари илмий асосланган.

**Калит сўзлар:** рақамли трансформация, рақобатбардошлик, суғурта бозори, яшил суғурта, ESG стандартлари, барқарор ривожланиш, InsurTech.

**Annotation:** The article analyzes the impact of digital transformation processes on the insurance market and the role of green insurance in ensuring competitiveness. Green insurance services are crucial for managing environmental risks, ensuring sustainable economic development, and creating new competitive advantages for insurance companies. Based on international experience, the integration of digital technologies (Big Data, AI, Blockchain, InsurTech) and ESG standards is explored. Directions for the development of green insurance in Uzbekistan are also scientifically justified.

**Keywords:** digital transformation, competitiveness, insurance market, green insurance, ESG standards, sustainable development, InsurTech.

Сўнги йилларда рақамли иқтисодиёт жадал ривожланиб, молия секторида туб ўзгаришларни амалга оширмоқда. Суғурта компаниялари ҳам рақамли

трансформация жараёнлари таъсирида янги бизнес-моделлар яратиш, инновацион хизматларни жорий этиш ва рақобат афзалликларини таъминлашга интиламоқда. Шу билан бирга, глобал иқлим ўзгариши ва экологик хавфларнинг ортиши суғурта бозорида яшил суғурта хизматларига талабни кучайтирмоқда.

Рақамли трансформация суғурта компаниялари учун фақат технологик янгиланиш эмас, балки бизнес-модел, хизмат кўрсатиш тизими ва рақобат муҳитини тубдан ўзгартириб юборади. Шунингдек асосий таъсир йўналишларини келтириб ўтишимиз мумкин бўлади.

Биринчидан, миқозларга хизмат кўрсатишнинг сифат жиҳатдан ўзгариши юзасидан кўриб чиқадиган бўлсак, онлайн платформалар ва мобил иловалар орқали полис расмийлаштириш, тўловлар ва мурожаатлар автоматлашади. Чат-ботлар ва AI асосидаги хизматлар миқоз саволларига тез ва шахсийлаштирилган жавоб бериш имконини яратади. Customer Experience (CX) – рақобатда асосий омилга айланади.

Иккинчидан, молиявий операцияларни оптималлаштириш бўйича ҳам бир мунча кулайликлар яратилади. Мисол тариқасида Big Data ва Machine Learning ёрдамида хавфларни баҳолашда аниқлик ошади. Fraud detection (фирибгарликни аниқлаш) тизимлари автоматик равишда шубҳали операцияларни тўсади. Blockchain технологияси орқали шартномаларнинг шаффофлиги таъминланади.

Учинчидан, янги суғурта маҳсулотлари ва бозорлар шакллантирилади. Хусусан, Usage-based Insurance (масалан, авто суғуртада телематик датчиклар орқали ҳайдовчи хатти-ҳаракатини баҳолаш). Киберхавфлардан суғурта (cyber insurance) – рақамли хатарлар кучайиши муносабати билан янги сегмент. Яшил суғурта (Green Insurance) – экологик масъулият ва барқарор ривожланишни қўллаб-қувватловчи маҳсулотлар пайдо бўлади.

Тўртинчидан, **ходимлар малакаси ва корпоратив маданият шаклланади.** **Айтишимиз мумкинки,** рақамли технологиялардан самарали фойдалана оладиган кадрларга талаб ортади. IT-мутанассиблар, маълумот таҳлилчилари, киберхавфсизлик мутахассислари суғурта компанияларида асосий ресурсга айланади. Компания маданияти инновация ва agility (чаққонлик) тамойилларига асосланиши кераклигини кўрсатиб беради.

Шу билан бирга рақобат муҳитининг кучайишига олиб келади. Бугунги кунда FinTech ва InsurTech стартаплар анъанавий компаниялар учун жиддий рақобатчига айланмоқда. Бундан ташқари миқозлар учун танлов кўпаяди, нархлар ва хизматлар диверсификацияси ривожланади. Технологик адаптациядан орқада қолган компаниялар бозорда устунликни йўқотиши мумкинлиги кўрсатиб беради.

Айтишимиз мумкинки рақамли трансформация суғурта компаниялари учун стратегик заруратга айланган. У хизматларни рақамлаштириш, хавфларни аниқ

баҳолаш, янги маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва мижозлар билан муносабатларни такомиллаштириш орқали рақобатбардошликни ошириш имконини беради. Шу билан бирга, рақамли муҳитда хавфсизлик, кадрлар малакаси ва инновацион маданиятни ривожлантириш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Яшил суғурта хизматлари моҳияти ҳақида сўз борганда шуни келтиришимиз мумкинки, Яшил суғурта – экологик хавфларни қоплаш ва барқарор ривожланишни қўллаб-қувватлашга қаратилган хизматлар мажмуаси. Улар қуйидагиларни ўз ичига олади: - қайта тикланадиган энергия манбаларини суғурталаш; - экологик зарарлар (ифлосланиш, чиқиндилар)ни қоплаш; - климат ўзгаришига боғлиқ табиий офатлардан ҳимоя; - яшил транспорт ва инфратузилмани суғурталаш.

Яшил суғурта – бу суғурта компаниялари томонидан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик барқарорликни таъминлаш ва табиий ресурсларни тежашга қаратилган суғурта хизматлари тизими ҳисобланади. Унинг асосий мақсади – экологик хавфларни молиявий жиҳатдан кафолатлаш орқали иқтисодиёт ва жамиятда “яшил” ривожланишни рағбатлантиришдир.

Яшил суғуртанинг асосий хусусиятларини санаб ўтадиган бўлсак:

Экологик хавфларни суғурталаш - Техноген офатлар, чиқиндиларнинг зарарли таъсири, атмосфера ифлосланиши, сув ресурсларининг ифлосланиши билан боғлиқ хавфларни суғурталаш.

Яшил инвестицияларни қўллаб-қувватлаш - Барқарор энергия манбалари (қувват станциялари, қуёш панеллари, шамол турбиналари) ва “яшил технологиялар” лойиҳаларини суғурта орқали ҳимоя қилиш.

Табиий ресурсларни муҳофаза қилишга ҳисса қўшиш - Суғурта компаниялари табиатни асрашга қаратилган дастурларда иштирок этиш ва ижтимоий-экологик масъулиятни таъминлайди.

Экологик талабларга жавоб берувчи маҳсулотлар - Масалан, “яшил автотранспорт суғуртаси” – электр ва гибрид автомобиллар учун қулай тарифлар, ёки энергия тежамкор уйлар учун мол-мулк суғурталари.

Рақамли технологиялар билан уйғунлик - Big Data, IoT ва сунъий интеллект ёрдамида экологик хавфларни олдиндан таҳлил қилиш, хавфсизлик чораларини аниқлаш.

Яшил суғуртанинг аҳамияти эса, экологик барқарорлик ва табиат муҳофазасига хизмат қилади. Суғурта компанияларининг ижтимоий масъулиятини оширади. Яшил иқтисодиёт ривожига молиявий асос яратади. Суғурта бозорида рақобатбардошликни кучайтиради, инновацион хизмат сифатида устунлик беради.

Қисқача қилиб айтганда, яшил суғурта – суғурта соҳасида рақамли трансформация жараёнида барқарор тараққиётга хизмат қиладиган замонавий йўналиш ҳисобланади.

Яшил суғурта (Green Insurance) – бу барқарор ривожланиш тамойилларига асосланган, экотизимни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгаришлари хавфларини камайтиришга қаратилган суғурта тури ҳисобланади. У анъанавий суғурта хизматларидан фарқли равишда нафақат молиявий барқарорликни таъминлайди, балки атроф-муҳитга салбий таъсирларни камайтириш орқали ижтимоий ва экологик масъулиятни ҳам юзага чиқаради.

Яшил суғурта хизматларининг асосий йўналишлари:

Экологик таваккалчиликларни суғурталаш - Ифлосланиш, техноген авариялар, чиқиндиларни нотўғри йўқ қилиш оқибатларидан ҳимоя. Қайта тикланмайдиган табиий ресурсларга етказилган зарарни қоплаш.

Яшил инвестицияларни қўллаб-қувватлаш - Қайта тикланувчи энергия манбалари (куёш, шамол, гидроэнергия) учун молиявий ҳимоя. Экологик тоза технологияларни жорий қилган корхоналарга қулай суғурта шартлари яратилади.

Иқлим ўзгаришига қарши молиявий ҳимоя - Сел, қурғоқчилик, шамол бўронлари, денгиз сатҳининг қўтарилиши каби хавфлардан суғурталаш. Қишлоқ хўжалиги ва аграр соҳада иқлим таваккалчиликларини камайтириш.

Ижтимоий-экологик масъулият - Суғурта компанияларининг ESG (Environmental, Social, Governance) талабларига мувофиқ иш юритиши. Мижозларга экологик хавфлар тўғрисида маълумот бериш ва уларни барқарор йўналишга рағбатлантиришдан иборат.

Рақамли технологиялар билан уйғунлашув- Big Data ва IoT орқали экологик хавфларни башорат қилиш. Smart-contract асосида экологик таваккалчиликларни онлайн баҳолаш мезонларини кўрсатиб беради.

Яшил суғурта хизматлари нафақат молиявий барқарорликка, балки иқтисодий, экологик ва ижтимоий барқарор ривожланишга хизмат қилади. У суғурта компанияларининг рақобатбардошлигини ошириш, халқаро бозорда етакчи ўринни эгаллаш ва мижозлар ишончини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга.

Рақобатбардошликни оширишдаги ўрнида эса, яшил суғурта компанияларга: - ESG стандартларига мослашиш; - янги бозор сегментларини очиш; - халқаро ҳамкорлик имкониятларини кенгайтириш; - бренд имиджини яхшилаш ва ижтимоий масъулиятни ошириш имкониятини беради.

Яшил суғуртанинг рақобатбардошликни оширишдаги ўрнига тўхталадиган бўлсак, Яшил суғурта хизматлари нафақат экологик барқарорликни таъминлаш, балки суғурта компанияларининг бозордаги рақобатбардошлигини оширишда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Буни қуйидаги жиҳатлар орқали кўриш мумкин:

Ижтимоий масъулият ва бренд нуфузи - Яшил суғурта хизматларини жорий этган компаниялар жамият олдида экологик масъулиятли компания сифатида танилади. Мижозлар ва инвесторлар экологик барқарорликни қўллаб-қувватлайдиган компанияларга кўпроқ ишонч билдиришади.

Янги миждозлар сегментини жалб этиш - Экологик онги юқори бўлган миждозлар ва ташкилотлар яшил суғурта хизматларига талабгор. Шу йўл билан компания бозордаги улушини кенгайтира олади.

Инновация ва рақамли ечимларни жорий этиш - Яшил суғурта рақамли технологиялар билан уйғун бўлиб, рақамли платформалар орқали тезкор ва самарали хизмат кўрсатиш имконини беради. Масалан, “смарт” мониторинг, сунъий интеллект ёрдамида хавфларни баҳолаш, онлайн платформалар орқали экотранспорт суғуртаси таклиф қилиш.

Инвестиция ва молиявий устунликлар - Яшил молиялаштириш тенденцияси кучайиб бораётгани сабабли, яшил суғурта билан шуғулланган компаниялар халқаро инвестицияларни жалб қилиш имконига эга. Халқаро молиявий институтлар экологик барқарорлик йўналишида ишлаётган компанияларга имтиёзли кредит ва грантлар тақдим этишмоқда.

Хавфларни бошқаришда устунлик - Экологик хавфлар (иқлим ўзгариши, табиий офатлар) кўпайиб бораётган шароитда яшил суғурта маҳсулотлари орқали уларни самарали бошқариш мумкин. Бу компанияга хавфсизлик, ишонч ва барқарор даромад манбасини таъминлайди.

Яшил суғурта хизматлари суғурта компаниялари учун фақат янги хизмат тури эмас, балки рақобатбардошликни ошириш, миждозлар ишончини мустаҳкамлаш ва барқарор ривожланиш стратегиясининг муҳим қисми ҳисобланади. Шу йўналишда фаолият юритган компаниялар рақамли трансформация даврида ҳам бозорда етакчилик қилиш имкониятига эга бўлади.

Яшил суғурта хизматлари суғурта компаниялари учун нафақат барқарор ривожланишни таъминлайди, балки рақобатбардошликни кучайтиришнинг ҳам

муҳим омили ҳисобланади. Замонавий бозорда мижозлар экологияга эътибор берувчи, барқарор иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватловчи компанияларни афзал кўришмоқда. Шу жиҳатдан яшил суғурта хизматлари рақобатда устунлик берувчи стратегик йўналиш сифатида намоён бўлади.

Мижозлар ишончини ошириш-Яшил суғурта экология ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилгани учун компаниянинг ижобий имижини шакллантиради. Мижозлар бундай компанияга кўпроқ ишониб, унинг хизматларидан фаолроқ фойдаланишади.

Янги бозор сегментларига кириш - Яшил суғурта хизматлари орқали компаниялар барқарорликка йўналтирилган корхоналар, “яшил бизнес” лойиҳалари ва шахсларга мўлжалланган махсус маҳсулотлар таклиф қилиши мумкин. Бу эса рақобатчиларга нисбатан устунлик яратади.

Инновацион маҳсулотлар орқали фарқланиш - Рақамли технологиялар билан уйғунлашган яшил суғурта маҳсулотлари (масалан, экологик хавфларни баҳолаш, иқлим ўзгаришига қарши суғурта, яшил инвестиция суғурталари) компанияни бозорда инновацион бренд сифатида танитиш имконини беради.

Ижтимоий масъулият ва бренд қийматини ошириш - Яшил суғурта хизматлари орқали компаниялар корпоратив ижтимоий масъулиятни амалга ошириб, жамоатчиликда юқори нуфузга эга бўлади. Бу рақобатчиларга нисбатан қўшимча устунликдир.

Инвестиция ва ҳамкорлик имкониятлари- Халқаро молиявий институтлар ва инвесторлар барқарорлик ва “яшил” йўналишга эътибор қаратган компанияларга кўпроқ ресурс йўналтиради. Шу боис яшил суғурта рақобатбардошлик билан бирга капитал жалб қилиш имкониятларини ҳам оширади.

Хулоса қилиб айтганда, яшил суғурта хизматлари рақобатбардошликни оширишда стратегик драйвер ҳисобланади. У компанияларга мижозлар базасини кенгайтириш, инновацион ечимлар орқали фарқланиш ва халқаро бозорда мустаҳкам позиция эгаллаш имконини беради.

Яшил суғурта хизматлари суғурта компаниялари учун рақобат устунлигини таъминлайдиган замонавий стратегиялардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда жаҳон бозорида экотизимни муҳофаза қилиш, барқарор ривожланиш ва иқлим ўзгаришига қарши курашиш масалалари суғурта соҳасида ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Суғурта маҳсулотларида инновация ва дифференциация. Яшил суғурта турлари (экологик хавфларни суғурталаш, яшил транспорт суғуртаси, қайта тикланадиган энергия объектлари суғуртаси) компанияларга рақобатчилардан фарқланиш

имконини беради. Бу эса бозорда янги мижозларни жалб этиш ва мавжуд мижозларни сақлаб қолишга хизмат қилади.

Халқаро стандартлар ва бозорга чиқиш имкониятлари. Яшил молиялаштириш ва ESG (Environmental, Social, Governance) мезонлари жаҳон молия бозорларида муҳим талаб сифатида шаклланмоқда. Яшил суғурта хизматларини йўлга қўйган компаниялар халқаро бозорда инвестиция ва ҳамкорлик имкониятларини кенгайтиради.

Мижозлар ишончини ошириш. Ижтимоий масъулиятли компания сифатида яшил суғуртани жорий этиш суғуртачи брендининг нуфузини оширади. Бу нафақат корпоратив мижозлар, балки кенг жамоатчилик орасида ҳам ишончни мустаҳкамлайди.

Давлат қўллаб-қувватлови ва имтиёзлар. Қўплаб давлатларда барқарор ривожланишга хизмат қиладиган молиявий маҳсулотлар учун солиқ имтиёзлари ва қўллаб-қувватлов чоралари жорий этилмоқда. Яшил суғурта хизматларини таклиф қилган компания рақобатда устунликка эга бўлади.

Рақамли трансформация билан уйғунлик. Яшил суғурта рақамли технологиялар (Big Data, IoT, AI) билан уйғун ҳолда ривожланиши мумкин. Масалан, ақлли датчиклар орқали экологик хавфларни аниқ баҳолаш ва динамик тарифларни қўллаш рақобат устунлигини янада оширади.

Яшил суғурта хизматлари нафақат экотизим барқарорлигига ҳисса қўшади, балки суғурта компаниялари учун янги бизнес моделларни йўлга қўйиш, бозорда устунликка эришиш ва рақобатбардошликни оширишнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Халқаро тажрибалар шуни кўрсатадики, рақамли технологиялар ва яшил суғурта уйғунлиги суғурта компаниялари учун уч самара беради: Иқтисодий самара – янги мижозларни жалб қилиш ва даромадни ошириш. Ижтимоий самара – аҳолида экологик маданиятни шакллантириш. Инновацион самара – рақамли ечимлар орқали хизмат сифатини ошириш. Ўзбекистонда яшил суғурта ҳали ривожланиш босқичида. Бироқ рақамли инфратузилма ва давлат қўллаб-қувватлови мавжуд экан, келгусида бу йўналиш суғурта бозори рақобатбардошлигини оширишда муҳим омилга айланиши мумкин.

Хулоса ва тавсия ўрнида шуни айтишимиз мумкинки:

1. Суғурта компаниялари рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда яшил суғурта хизматларини ривожлантириши зарур.
2. Давлат томонидан солиқ имтиёзлари ва норматив асос яратилиши рақамли ва яшил хизматларни жадаллаштиради.
3. InsurTech стартаплари билан ҳамкорлик рақамли инноватсияларнинг тезкор жорий этилишига ёрдам беради.
4. Халқаро тажриба асосида Ўзбекистонда “яшил суғурта маҳсулотлари портфели”ни шакллантириш мақсадга мувофиқ.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Porter M. Competitive Advantage. – Harvard Business Review, 1990.
2. Tapscott D. Blockchain Revolution. – Penguin, 2016.
3. PwC. InsurTech: A global perspective. – 2022.
4. Deloitte. Green Insurance and ESG Principles. – London, 2021.
5. Swiss Re Institute. Global Insurance Report. – Zurich, 2023.
6. European Commission. Green Deal and Insurance. – Brussels, 2022.
7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. Суғурта бозори ҳисоботлари. – Тошкент, 2024.